

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СУВНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ  
БЎЙИЧА ХАРАЖАТЛАРНИ ҚОПЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон **Фармони** ҳамда «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сон **қарори** ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сувни етказиб бериш бўйича харажатларни сув истеъмолчилари томонидан қоплашни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари миқдорига босқичмабосқич қўшиш орқали амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги 2020 йил 15 июнгача сувни етказиб бериш бўйича харажатларни инобатга олган ҳолда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг янги миқдори юзасидан асослантирилган таклифларни «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни лойиҳасида назарда тутиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига киритсин.

3. Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув ресурсларини бошқариш, ҳисобга олиш ҳамда истеъмол қилинган сув ресурсларининг ҳисботини юритиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар **1-иловага** мувофиқ тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

а) «Давергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда рақамли технологияларни қўллаган ҳолда сув омборларининг фойдали сифимига даврий равишда аниқлик киритиб бориш чора-тадбирларини тасдиқласин;

б) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда **2 ва 3-иловаларга** мувофиқ сув хўжалиги обьектларида сув ресурслари ҳамда электр энергиясидан фойдаланишни «онлайн» режимида назорат қилиш имконини берувчи рақамли технологиялар жорий этилишини таъминласин.

в) Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобидаги:

сув омборлари ва ирригация тизимларидағи сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари (гидропостлар) билан жиҳозлаш;

сув омборлари, ирригация тизимлари ва насос станцияларда рақамли технологияларни жорий қилиш, сув ресурслари ва электр энергиясидан фойдаланишни «онлайн» режимда назорат қилиш технологияларини жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари, хорижий инвестициялар, шу жумладан, жалб этиладиган грантлар ҳисобидан молиялаштирилишини ташкил қилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари икки ой муддатда сув истеъмолчилари уюшмалари сұғориш тармоқларидағи гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш, фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш муддатлари ва ушбу тадбирларни молиялаштириш манбалари юзасидан келишилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Тижорат банклариға сув истеъмолчиларига сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун зарур микдорда кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

## 7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда сув омборлари ва ирригация тизимларидағи сув олиш жойларини 2022 йил 1 декабрга қадар сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ жиҳозлаш ҳамда 2023 йил 1 декабрга қадар рақамли технология асосида туманлар чегарасида «онлайн» режимида сув ресурслари ва вазирлик тизимидағи насос станцияларда электр энергиясидан фойдаланишни назорат қилишни жорий қилишга;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари билан биргаликда 2023 йил 1 декабрга қадар сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан тўлиқ жиҳозлашни ташкил қилишга;

барча сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибига тўлиқ амал қилишга ҳамда сувнинг ҳисоб-китобини ўз вақтида юритишга масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

## 8. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги **Қонунига** мувофиқ сув истеъмолчилари:

белгиланган сув олиш лимитлари ва сув истеъмоли қоидалариға риоя этиши, сувни маҳсус истеъмол қилишда қонун хужжатларида белгиланган тартибда рухсатномани расмийлаштириши;

сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаши, ички сув объектлари ва иншоотларини техник жиҳатдан соз ҳолда сақлаши, улардан фойдаланишининг белгиланган қоидаларига риоя этиши ҳамда сувни шартнома асосида истеъмол қилиши зарур;

б) сув истеъмолчилари томонидан олинган сув ресурсларининг ҳисоби ва ҳисботи Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартағи 82-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги **низомда** белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади;

в) Ўзбекистон Республикасининг Солик **кодексига** мувофиқ сув истеъмолчилари лимитдан ортиқча сув олганда, лимитдан ортиқча олинган сув учун, шунингдек, рухсат берувчи хужжатларсиз сув ресурсларини истеъмол қилганда, сувдан фойдаланганлик учун солик белгиланган ставкага нисбатан беш баробарга оширилган миқдорда ундирилади.

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш ҳамда сувнинг ҳисоб-китоби юритилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин, жойларда мақсадли ўрганишлар ўтказсин ҳамда ҳар чорак якуни бўйича бажарилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим қилиб борсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 19 мартағи 82-сон **қарорига** (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 3-сон, 20 модда) **4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда ўзлари қабул қилган норматив-ҳукуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирун.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров, Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси К.Р. Сарiev ҳамда вилоятлар ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2020 йил 22 май,  
310-сон

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 310-сон қарорига  
1-ИЛОВА**

**Сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари томонидан сув  
ресурсларини бошқариш, ҳисобга олиш ҳамда истеъмол қилинган сув  
ресурсининг ҳисботини юритиш юзасидан**

**КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

<b>Т/ р</b>	<b>Тадбир номи</b>	<b>Молиялаштири ш манбаи</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул вазирлик ва идоралар</b>
<b>I. Сув ресурларини бошқариш, ҳисобга олиш ҳамда истеъмол қилиш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш</b>				
1.	Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли бўйича наъмунавий шартномаларни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлаш ва жойларга етказиш.		2020 йил 15 июль	
2.	Сув олиш жойларининг рўйхатга олиш тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.	Маблағ талаб этилмайди	2020 йил 15 июль	Сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар
3.	Гидропостларни аттестациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш.		2020 йил 15 июль	
<b>II. Сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини яхшилаш</b>				
4.	Сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи ташкилотлар ҳисобидаги сув омборларининг лойиҳавий сув сифимларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг амалдаги	Сув хўжалиги тизими ташкилотларига бюджетдан ажратилган маблағлар, Сув хўжалигини ривожлантириш жамгарма маблағи	2021 — 2023 йиллард а жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар

<b>Т/ р</b>	<b>Тадбир номи</b>	<b>Молиялаштири ш манбаи</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул вазирлик ва идоралар</b>
	сигимини рақамли технологиялари ёрдамида қайта аниқлаш.			
5.	<p>Сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи ташкилотлар ҳисобидаги сув омборлари, ирригация тизими каналлари ва бошқа сув хўжалиги обьектларидаги сув олиш жойларини ва улардаги сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>Сув истеъмолчилари ҳисобидаги суфориш тармоқларини, улардаги иншоотлар, шунингдек, фермер хўжаликлари, кластерлар ва бошқа сув истеъмолчиларининг бош сув олиш жойларини хатловдан ўтказиш.</p> <p>Сув олиш жойлари, сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситаларининг техник ҳолати</p>	<p>Маблағ талаб этилмайди</p>	<p>2020 йил 1 июль</p> <p>2020 йил 10 июль</p> <p>2020 йил 20 июль</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p> <p>Сув хўжалиги вазирлиги, сув истеъмолчилари уюшмалари</p>

<b>Т/ р</b>	<b>Тадбир номи</b>	<b>Молиялаштири ш манбаи</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул вазирлик ва идоралар</b>
	бўйича нуқсонлар далолатномаларини расмийлаштириш.			
6.	Сув омборлар, ирригация тизими каналлари ва бошқа сув хўжалиги объектларидағи сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш.	Давлат бюджети маблағлари, хорижий инвестициялар ва грантлар	2020 — 2023 йиллар жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, «Амударё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси, «Сирдарё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
7.	Сув истеъмолчилари уюшмаларининг суғориш тармоқларидағи гидротехник иншоотларни таъмирлаш ва тиклаш, фермер хўжаликлари, кластер ташкилотлари ва бошқа сув истеъмолчиларнинг бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш.	Сув истеъмолчилари маблағлари, тижорат банклари кредити, хорижий инвестициялар ва грантлар	2020 — 2023 йиллар жадвал бўйича	Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, сув истеъмолчилари уюшмалари, сув истеъмолчилари

### **III. Сувнинг ҳисоб-китобини юритишни тизимини такомиллаштириш**

8.	Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидағи барча сув хўжалиги ташкилотларининг диспетчирлик хизматларининг	Сув хўжалиги тизимидағи ташкилотларга бюджетдан ажратилган маблағлар, Сув хўжалигини	2020 — 2025 йиллар жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларн
----	--	--	----------------------------------	--

<b>Т/ р</b>	<b>Тадбир номи</b>	<b>Молиялаштири ш манбаи</b>	<b>Ижро муддати</b>	<b>Масъул вазирлик ва идоралар</b>
	моддий техника базасини мустаҳкамлаш. Сув ресурслари ва улардан фойдаланиш юзасидан маълумотлар базасини тўлиқ шакиллантириш.	ривожлантириш жамғарма маблағи ва ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари		и ривожлантириш вазирлиги, «Амударё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси, «Сирдарё» ҳавзаси сув хўжалиги бирлашмаси
9.	Дарёлар, сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги обьектларида, шунингдек, ҳудудлардаги мавжуд сув ресурслари бўйича кунлик маълумотларни вазирлик расмий веб-сайтида жойлаштирилишин и таъминлаш.	Маблағ талаб этилмайди	2020 йил 1 июль	Сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги
10.	Сув истеъмолчиларининг сув олиш жойлари ва сувни ҳисобга олиш воситаларининг (гидропост) наъмунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва жойларга етказиши.	Маблағ талаб этилмайди	2020 йил 1 август	Сув хўжалиги вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
11.	Сув омборлари, насос станциялари, ирригация тизимлари, сугориш тармоқлари ҳамда сув олиш	Сув хўжалиги тизими ташкилотларига бюджетдан ажратилган маблағлар ва	2020 — 2025 йиллар жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари

Т/ р	Тадбир номи	Молиялаштири ш манбаи	Ижро муддати	Масъул вазирлик ва идоралар
	жойларида сув ресурслари ва электр энергияси ҳисоб-китобини юритиш юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиши.	ташкилотларнинг ривожлантириш жамғармаси маблағлари		илмий-тадқиқот институти

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 310-сон қарорига  
2-ИЛОВА**

**Сув омборлари ва ирригация тизимларида сув ресурсларидан фойдаланиши рақамли технологиялар ёрдамида «онлайн» режимида назорат қилишни жорий қилиш кўрсаткичлари**

Жами ўрнатила диган курилма сони, дона	сув омборла рда	шу жумладан:													
		ирригация тизимларида:													
		вилоятла раро ирригац ия тизимла рида				туманлаар о ирригация тизимлари да				туманлар ирригация тизимлари да					
		жам ми	шунд ан:	жам ми	шунд ан:	жам ми	шунд ан:	жам ми	шундан:	жам ми	шундан:	жам ми	шундан:		
Қорақалпоғистон Р еспубликаси	1 302			37	30	7	180	36	63	81	1 085	16 2	27 1	65 2	
<i>вилоятлар:</i>															
Андижон	2 086	2	1	1	32	26	6	196	39	68	89	1 856	27 8	16 4	41 4
Бухоро	1 319	3	1	2	34	27	7	121	24	42	55	1 161	17 4	29 0	69 7
Жиззах	664	7	3	4	23	18	5	132	26	46	60	502	75	12 5	30 2
Қашқадарё	1 515	13	5	8	52	39	13	169	33	59	77	1 281	19 2	32 0	76 9

Навоий	327				13	10	3	44	9	15	20	270	40	67	16 3
Наманган	2 330	11	4	7	21	15	6	143	28	50	65	2 155	32 2	53 8	1 29 5
Самарканд	1 241	5	2	3	18	14	4	168	33	58	77	1 050	15 7	26 2	63 1
Сурхондарё	991	5	2	3	19	14	5	143	28	50	65	824	12 3	20 6	49 5
Сирдарё	1 461	1		1	24	16	8	96	19	33	44	1 340	20 1	33 5	80 4
Тошкент	2 433	3	1	2	25	20	5	180	36	63	81	2 225	33 4	55 6	1 33 5
Фарғона	2 550	5	2	3	26	20	6	224	44	79	10 1	2 295	34 4	57 3	1 37 8
Хоразм	357	1		1	20	16	4	99	20	34	45	237	36	59	14 2
<b>ЖАМИ</b>	<b>18 576</b>	<b>56</b>	<b>21</b>	<b>35</b>	<b>344</b>	<b>26 5</b>	<b>79</b>	<b>1 895</b>	<b>37 5</b>	<b>66 0</b>	<b>86 0</b>	<b>16 281</b>	<b>2 43 8</b>	<b>3 76 6</b>	<b>10 07 7</b>

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 310-сон қарорига  
3-ИЛОВА**

**Сув хўжалиги вазирлиги тизимидағи насос станцияларида электр  
энергиясидан фойдаланишда рақамли технологиялар ёрдамида «онлайн»  
режимида назорат қилишни жорий қилиш**

дона

Жами насос станция сони	Ўрнатиладиган		шундан:			
	электр енергия хисоблагич сони	курилма сони				
	2021 йил	2022 йил	2023 йил			
Қорақалпоғистон Республикаси	273	409	409	62	123	224
<i>вилоятлар:</i>						
Андижон	147	133	133	20	40	73
Бухоро	31	20	20	3	6	11
Жizzах	35	44	44	7	13	24
Қашқадарё	62	82	82	12	25	45
Навоий	41	54	54	9	16	29
Наманган	206	277	277	42	83	152

Самарканд	91	62	62	10	18	34
Сурхондарё	110	132	132	19	40	73
Сирдарё	42	103	103	16	31	56
Тошкент	150	154	154	23	46	85
Фарғона	168	174	174	27	52	95
Хоразм	298	435	435	67	130	238
Қашқадарё магистрал каналидан фойдаланиш бошқармаси	14	14	14	2	4	8
Аму-Бухоро машина каналидан фойдаланиш бошқармаси	11	41	41	6	12	23
Жиззах бош насос станциясидан фойдаланиш бошқармаси	8	14	14	2	4	8
<b>ЖАМИ</b>	<b>1687</b>	<b>2148</b>	<b>2148</b>	<b>327</b>	<b>643</b>	<b>1178</b>

**Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 310-сон қарорига  
4-ИЛОВА**

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 19 мартағи 82-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандинг **биринчи хатбошисидан** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўzlари чиқарib ташлансин.

**2. 1-иловада:**

а) **4-банддан** «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссик сувлари ва минерал сувлар)» сўzlари чиқарib ташлансин;

б) **5-банддаги** «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончилиқда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўzlари «Давлат

геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банднинг **тўртинчи хатбоисидан** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 23-банднинг **иккинчи хатбоисидан** «ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар бўйича) ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 29-банднинг **«а» кичик бандида:**

**иккинчи хатбоидаги** «корхоналар» сўзи «ташкилотлар» сўзи билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбоши** «объектларида» сўздан кейин «белгиланади» сўзи билан тўлдирилсин;

**тўртинчи хатбоши** чиқариб ташлансин;

е) 31-банднинг **иккинчи хатбоисидаги** «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» сўзлари «Вазирлар Маҳкамаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) **34-банддаги** «ва шу кабилар» сўзлари «суфориш ва коллектор тармоғи, ер ости сувлари ва бошқа сув манбай» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) **40-бандда:**

**учинчи хатбоидаги** «ирригация тизими бўйича — Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг» сўзлари «туманлар ирригация бўлимлари, ирригация тизими бошқармалари, магистрал каналлар (тизим) бошқармалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

**тўтинчи хатбоидаги** «ҳавза тизими, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари» сўзлари «тизимлари ҳавза бошқармалари, катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларидан фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 45-банднинг **биринчи хатбоисидан** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувларни олишда)» сўзлари чиқариб ташлансин;

к) **47-банд** қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш (аҳоли томорқа ерлари бундан мустасно) воситалари билан жиҳозлаш»;

л) 54-банднинг **биринчи хатбоисидаги** «ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар)» сўзлари чиқариб ташлансин;

м) **55-банд** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«55. Сувдан махсус фойдаланувчилар ва махсус сув истеъмолчиларининг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ, коммунал сув таъминоти тизимидан сув олинган тақдирда эса — Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, шунингдек сув чиқариш тўғрисида ҳисоб ва ҳисботни юритишлари, шунингдек, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ миқдорини ҳисоблаб чиқариш мақсадида тегишли сув етказиб берувчи ташкилотга (фойдаланувчи сув хўжалиги ташкилотлари ёки сув истеъмолчилари уюшмалари) ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув миқдори тўғрисида алоҳида ҳисбот тақдим этишлари шарт.

Сув фойдаланиш ва сув истеъмоли учун олинган сув ресурси миқдори сувни етказиб берувчи ташкилот (сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари ёки сув истеъмолчилари уюшмаси) билан сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчи ўртасида сувнинг олди-берди журнали юритилади.

Ушбу журнал шнурланган ҳолда Вазирлар Мажкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бўлинмалари томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинади ҳамда журнал ҳар бир сув бериш жойи бўйича икки (шартнома уч томонлама тузилган тақдирда уч) томонлама олиб борилиб, биттаси сув етказиб берувчи ташкилот вакилида иккинчиси сувдан фойдаланувчи ва сув истеъмолчисининг ваколатли шахсида сақланади.

Сувнинг олди-бердиси сув етказиб берувчи ташкилот ва сув истеъмолчисининг алоҳида буйруқлари билан тайинланган ваколатли шахслар томонидан олиб борилади.

Ҳар ой якуни билан кейинги ойнинг 5-санасигача олинган сув миқдори юзасидан сув етказиб берувчи ташкилот билан сув истеъмолчи ўртасида юритилган кундалик олди-берди маълумотлар таҳлил қилинади.

Таҳлил натижалари асосида ҳар ойнинг якуни билан кейинги ойнинг 10-санасигача белгиланган тартибда сув етказиб берувчи ташкилот ва сув истеъмолчиси ўртасида икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ҳамда имзоланади.

Расмийлаштирилган далолатнома сув етказиб берувчи ташкилот томонидан ҳар ойнинг якуни билан кейинги ойнинг 15-санасигача белгиланган тартибда туман (шахар) солиқ инспекциясига сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ миқдорини ҳисоблаш учун тақдим қилинади»;

н) 60-банднинг **учинчи хатбошиси** «сув истеъмолчилари томонидан» сўзларидан кейин «сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозламасдан сув олиш» сўзлари билан тўлдирилсин;

о) **64-банddаги** «сув олиш жойини» сўзлари «қурилган сув олиш иншоотлари ва очилган сув олиш жойлари ҳамда ўрнатилган сув олиш қурилмаларини (насос станцияси, сифон ва бошқалар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

п) **65-банддаги** «Корхоналар, муассасалар» ва «қишлоқ хұжалиги кооперативлари (ширкатлар)» сүзлари чиқарып ташлансын.

(Конун ҳүжжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.05.2020 й.,  
09/20/310/0638-сон)